

## ФАРЗАНДЛАРИ СОГЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БҮЛУР

Қайси таълим муассасасига боришиздан қатый назар спорти ривожлантиришга қаралтган чора-тадбирларни кўрамиз. Спортнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишга ёшларимизга кенг имкониятлар



яратилган. Шу жумладан, спорт тўғарақлари ва мусобақалари ташкил этилган. Шундай спорт тадбирларидан бирни Тошкент Тиббиёт академиясининг Олий маълумотли ҳамшира факультети талабалари ўртасида ўтказилди. 4 ноябрь куни "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли эл фарзандлари соғлом бўлур" шиори остида "Шифокор" спорт мажмуасида турнирнинг финал боскичи бўлиб ўтди.

Саралаш босқичидан мұваффакиятли ўтган факультет талабалари финал боскичида ўзаро куч синашдилар. Тадбирни тантанали радиша ТТА Маънавият ва мърифат ишлари бўйича проректор Т.А.Бобомуродов очиб бердилар. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш кераклиги, спорт билан ҳамнафас яшаш ва бу ишларни ахоли ўртасида янада қонгректарига килиш хар бир тиббиёт ходимининг вазифаларидан бирни эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда Олий маълумотли ҳамшира факультети

ўқитувчилари, ҳалқ тиббиёти реабилитология маркази, жисмоний тарбия факультети мураббийлари ва талабалар иштирок этдилар. Тадбирни янада бойитиш мақсадида талабалар томонидан ижодий

### ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

#### Кафедра мудирлари:

Даволаш факультетига қарашли "ЛОР касалликлари" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси

#### Доцентлар:

Даволаш факультетига қарашли "ИКП, гематология, ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлиги" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси

#### Катта ўқитувчи:

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Патология" кафедраси

#### Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли "Урология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "УАШ педиатрия" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "УАШТ ва эндокринология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "УАШ акушерлик ва гинекология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "УАШ жарроҳлик" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Эпидемиология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юқумли ва болалар юқумли касалликлар" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Фтизиатрия" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Онкология ва нур ташхиси" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "УАШ тайёрлаш" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрораккоҳлик" кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов**

эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз:

Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йи.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси Одам анатомияси ва ОЖТА кафедраси профессори Шомирзаев Наджулла Хабибуллаевичга уқалари

Сезигр Ҳабибуллаевич ШОМИРЗАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI

MUHARRIR  
TURDIQUL  
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobi  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yuxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardir



# ТИВИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 11 2015 YIL NOYABR

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



### КОНСТИТУЦИЯ – ДАВЛАТНИНГ БОШ ҚОНУНИ ВА АСОСИ

1992 йил 8 декабря қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳаёти янги, эркин демократик тартиб баҳш этиш учун ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларацияси асосий ғоялари ва принциплари, миллӣ давлат бошқарув тизимидағи Амир Темур "Тузуклари", Фаробийнинг "Фозил шаҳар Ахли", миллӣ қадриятларимизга таяниб, ҳар бир фуқаро манфаатлари устуворлиги асосида ишлаб чиқилган. Унинг асосини ўзига хослиги шундан иборатки, унда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулияти мустаҳкамланиб кўйилган, яъни ҳар бир фуқаро манфаатларининг устуворлиги қонуний тасдиқланади ва кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги унга қандай асосларга эга бўлганидан қатый назар қонун олдида ҳамма тенгдир. У ҳар бир кишига Республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ҳаётида тўлиқ қатнашиш имконини беради. Ҳар бир киши асосий қонунга асоссан ҳимояланади, ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда мажбурият ва масъулият эгаси ҳисобланади. Конституция Ўзбекистон фуқаролиги бўлган барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституцияий комиссиянинг раиси И.Каримов Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Конституция лойиҳаси юзасидан сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади: "Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқ мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир".

Ўзбекистон ҳалқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали радиша эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаю ѹксак масъулияти англаган ҳолда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб демократия ва ижтимоий адолатта садоқатини намоён қилиб, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумзатроф этилган қойдалари устунлигини тан олган ҳолда Республика фуқароларини муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга итилиб инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишини кўзлаб фуқаролар тинчлиги ва миллӣ тутубвигини таъминлаш мақсадида ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикаси мазкур Конституциясини қабул қилингани шубҳасизdir.

Ш.С.ЮНОСОВА,  
TTA қошидаги академик лицей ижтимоий  
фанлар кафедраси мудири



## БАЙРОГИМИЗ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ


Ўзбек ҳалқининг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз рамзлар ва тимсолларга ҳурмат ва эхтиром кўрсатганлар. Аждодларимиз давлат тимсоллари ва рамзлари учун ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган.

Келажаги буюк, мустақил давлат барпо этилиши билан "Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун 1991 йилнинг 18 ноябринда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи рамзи мамлакатимиз худудида илгари мавжуд бўлган ғоят қадриятларига салтанат байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарини давом эттирган ҳолда, Республика табииатига хос хусусиятларини ҳалқимизнинг ҳоҳиш-иродаси, ақл-саҳояти, миллӣ ўтишимиз анъаналари, яъни мовий ранг — мангу осмон, мусаффо сув рамзи, шарқда азалдан қадрланган бу рангда ўз вақтида Амир Темур ҳам ўз байроғига шу рангни танлаганлиги билан аҳамиятга эгадир. Оқ ранг — тинчлик ва барқорорлик тимсоли бўлиб, ёш мустақил давлат йўлининг чароғон бўлиши.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳикмат

Фарзандлар! Сизга насиҳат қилганлар  
дўстларингиздир, аксинча, ёмон ишиларни  
ўргатадиганлар душманларингиздир.



Ҳикмат

**БАЙРОГИМИЗ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ**

(Давоми. Боши 1-бетда.) Қизил йўллар —

куч, тириклик рамзидир, яъни бир тирик жоннинг қон томири мизда оқаётган қонимиз, яшил ранг — оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда, унинг рамзи ҳам яшил рангдир. Ярим ой — Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналари, юлдузлар мусаффо осмоннинг тинчлик рамзларидир, яъни бу ўлкада баркамоллик, мукаммаллик тимсоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар



Ташкилоти қароргоҳи ва дунёдаги суверен давлатлар байроқлари каторида турибди.

Ўзбекистон байроғи хорижий мамлакатларда Президентимиз бошлиқ давлат делегациясини қабул қилиш маросимларида, чет эл давлатлар делегацияларини Ўзбекистонда қабул қилиш маросимларида кўтарилади.

Ўзбекистон байроғи Ўзбекистон Президенти қароргоҳи Оқсарой биноси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биноси тепасига илиб кўйилган. Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорти мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилган пайтларда ҳам Ўзбекистон байроғи кўтарилади.


Ш.ЮНУСОВА,  
ТТА қошидаги академик лицей  
ижтимоий фанлар кафедраси  
мудири

“....Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-хуқуқий негизини шакллантиришининг асосий пойдевори, мустақил давлат-чилигимизнинг тамал тоши бўлди”.

Ислом КАРИМОВ

Давлатимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституция ўз моҳияти ва эътибори билан ҳалқ иродасини олий даражада ифодаловчи, инсоннинг асосий хуқуқлари, эркинликларини ҳамда давлат бошқарувининг демократик тамоилларини мустаҳкамловчи Асосий қонунимиздир. Миллий истиқлол ҳамда давлат мустақиллигига эришиш шарофати билан Ўзбекистонда янги, демократик тамоилларга асосланган демократик Конституцияни яратиш имконияти юзага келди. Шу боис Конституция дунё сиёсий ҳаритасида янги суверен демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси қарор топганигини қонунилаштириди. Давлатимизнинг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини, мавзаний қадрияларини мавзаний қадрияларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. Конституциянинг моҳиятини ифодаловчи энг муҳим хусусиятлардан яна бири унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун шароитлар яратиб берилгандигидир. Конституциянинг барча принциплари ва қоидаларини ҳаётимизга тадбик этиш уларнинг мазмун-моҳиятини чукур англаб етишдан бошланади. Шу сабабли Асосий қонунимизнинг чукур маъно мазмунига етиб бормоқ, уни теран идрок этмоқ, мушоҳада

Н.Х.АБДУРАҲМОНОВА,  
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси



**Кимки яхшилилк йўлида уринса-ю бироқ  
биронта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган  
ном ололмайди.**



Хикмат

1 декабрь — Бутун жаҳон СПИДга карши кураш куни

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) — ОИВни одамнинг иммун тизимини шикастланиши натижасида келиб чиқадиган касаллик, ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичидир.

ОИВ инфекцияси — фақат одамларда учрайдиган сурункали юқумли касалликдир. Касалликнинг манбаи уни юқтириб олган одамдир. Вирус одам организмидаги бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. ОИВ инфекциясининг кечиши бир неча даврдан иборат. Бу инфекциянинг яширин даври бир неча ойдан 5-10 йил ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Бу даврда вирусни юқтириб олган шахслар кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмайди. Айнан шу давр анча хавфли ҳисобланаб, ОИВни юқтириб олган шахслар ўзлари билмаган ҳолда касалликни бошқаларга юқтириши мумкин. ОИВ инфекциясида ўз меъёрида ишлаб турган иммун тизими (касалликларга қарши курашиш хусусияти) йиллар давомида вируснинг тажовузини босиб туради. Вирус организмда тинимсиз кўпайиб, аста-секин иммунитет тизимини мутлақо издан чиқаради. Агар тегишли даволаш чоралари кўрилмаса орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ривожланади. Бу даврда организм турли ҳил юқумли касалликларга жуда берилувчан бўлиб қолади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ОИТС бўйича бутун дунёда ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ, ҳозирги кунда жаҳон бўйича 42 млн. киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили уларнинг сафига яна 2 млн. 700 минг нафар киши кўшилади. Ўтган давр мобайнида қарийб 2 млн.га яқин одам бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Дунё бўйича касалликни ўзига юқтирган инсонларнинг ярмидан кўпини 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиди, шу жумладан, касалликни ўзига юқтирганларнинг ярми — бу 15 ёшгача бўлган болалар, бунинг устига уларнинг кўпчилиги онаси ҳомиладорлик пайтида, тугилиш ва кўкрак билан боқиши пайтида вирусни юқтирганлар.

ОИТС инфекцияси ўлкамизда илк бор 1987 йилда аниқланган. Ўша йили Республика СПИД диагностика маркази ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда республикада ЎзР ССВнинг 01.08.2011 йилдаги “Ишонч хоналари фаолияти санарадорлигини ошириш тўғрисидаги” №232-сонли буйруғи асосида аҳолининг майил гурухлари ора-

сида профилактик дастурлар амалга оширилмоқда. Ишонч хоналари мақсадли гурухларни ахборот-ўқув хизматлари, маслаҳат, бир марталик шприц ва интим алоқа ҳимоя воситалари билан таъминлайди, шунингдек зарурат бўлганда, мурожаат қилувчиларни ҳар хил турдаги тиббий ва руҳий ёрдам олишлари учун қайта йўналтирадилар.

Аҳолининг майил гурухлари вакиллари орасида ОИВ инфекцияси соҳасидаги паст билим даражаси, уларнинг ўз-ўзига паст баҳо бериши, хавфсиз хулқ-атвор хуқуқини талаб қила олмаслиги, ҳимоя воситаларига ва дўстона тиббий хизматига етарлича имконияти йўқлиги ушбу шахсларга ОИВнинг юқиш хавфини оширади. Рўйхатга олинишдан ва конфиденциалликнинг ошкора қилинишидан кўрқиб, улар давлат тузилмалари, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари билан мулоқот қилинишдан ўзларини олиб қочадилар. Бунинг натижасида, ушбу гурух орасида ОИВ инфекцияси тарқалишини назорат қилиш анча сусайди.

Охири йилларда ОИВ инфекциясининг жинсий алоқа йўли билан юқиши салмоғи ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири меҳнат мигрантлари омили ҳисобланади. Кейинги йилларда чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтан фуқаролар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат меҳнат мигрантларининг ОИВ инфекцияси профилактикаси йўналишида хабардорлик даражалари талаб даражасида эмаслигидан далолат бериб туриди.


Афсуски, баъзи ота-оналар фарзандларининг никоҳчача тиббий кўриқдан ўтишига жиддий эътибор беришмайди. Соғлом оила — келажак пойдевори эканлиги сир эмас. Шу сабабдан никоҳланувчи шахслар яшаш жойидаги психиатр, нарколог, тери-тансосил касалликлари, фтизиатр каби мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ОИВ инфекциясига ҳам текширилади. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳар бир ёшнинг соғлом оила куришига асос солади.

**Ф. АБДУМАЛИКОВА,  
Тошкент Тиббиёт академияси  
УАШТ ички касалликлар  
ва клиник аллергология  
кафедраси асистенти  
О. ОРИПОВ,**

Даволаш факультетининг 7-курс талабаси

Хикмат

**Яхшилилк қилганга ёмонлик қилишидан кўра  
разилроқ пасткашилик йўқ.**



Хикмат



### 2015 йил — Кексаларни эъзозлаши йили

## ЮЗ ЁШ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий дараҗасини белгилайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабуси билан 2015 йил мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 22 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasida таъкидлаганидек, кексаларга хурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Ҳар бир хонадон тўрида ёши улуғ кекса отахон ва онахонларнинг файзли кўр тўкиб ўтириши шу оила баҳти. Чунки, навқирон авлод тарбиясида уларнинг ҳаётий тажрибаси улкан ибрат мактабидир. Фахрийлар ёшларга тўғаноқ эмас — суюнчиқ, рақиб эмас — устоз, бефарқ эмас — ҳамдард бўлиши миллий гоямида ўз аксими топган. Кекса ота-она-ларимиз, бобою бувиларимизни асраб-авайлаш, уларни эъзозлаб, иззат-хурматини жойига кўйиш биз фарзандларнинг муқаддас бурчизидир.

Кариллик ёши яқинлашиши билан инсонларда саҳоватлик, ақли донолик, ёшларга нисбатан ғамхўрлик, маслаҳатгўйлик хусусиятлари юзага келади.

Куни кечада ТТАда “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан “Қариси бор уйнинг — париси бор” мавзусида қариллик гаштини суроётган, дуоғүй, 90 ёшдан ошган бўлсада ҳали ҳам от устида турган Мирсовирҳожи ота Пўлатов билан учрашув бўлиб ўтди. Дарёдил отахон рафиқалари, раҳматли Ҳабиба ая билан 8 фарзандни камолга етказиб, ўй-жойли қилиб, 47 набира, 27 эвара кўришга мусяссар бўлган.

Давра сухбатни ТТА маърифат-маънавият ишлари проректори профессор Т.А.Бобомуродов очиб берди. У киши “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан Тиббиёт академиясида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди ва учрашувга ташриф буюрган меҳмон билан таништириди.

Ҳожи ота билан сухбат қиласа эканмиз, ҳам ўзига, ҳам сўзига ҳавас қилдик. Шу ёшида от минади, шу ёшида шеър ёзди. Қўллари дуода.” Бир марта нафас олишга етадиган вақтингиз бўлса, Оллоҳга беҳисоб шукр қилинг, чунки бугунги фаровон кун учун беҳисоб шукрлар кильсангиз ҳам адогига етмайсиз” дейди бобо. “Мен дәярли 1 асрлик воқеликни ўз кўзим билан кўрганман, танам билан ҳис қўлганман. Яна ундан олдинги 1 асрлик воқеликни узимдан катталардан эшитганман.


Мана шу икки аср мобайнида бугунги кунчалик тинчлик, мусаффо осмон, осуда меҳнат қилиш ва фаровон ҳаёт кечириш учун имконият бўлмаган” дейа сўзини давом эттириб, ўзининг қийинчилиқда ўтган болалиги, оғир меҳнат билан ўтган йигитлик даврлари ҳақида куйиниб гапириди. Сўзини якунлар экан ҳожи бобо ҳозирги шукухли кунларга етиб келишимизда Юртбошимиз ва юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида Юртбошимизга камарбаста бўлиб, елкама-елка турган давлатимиз раҳбарларининг ҳиссалари беҳисоб десам янглишмаган бўламан дейа улар ҳаққига дуоқиди.

Шундан сўнг Мирсовирҳожи отанинг ўғиллари, кўп йиллардан бўён ТТАда фаолият кўрсатиб келаётган, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мирҳоким Пўлатовга сўз навбати берилди. У киши отаси ҳақида, унинг одатлари ва ҳаммага ибрат бўла оладиган ҳаёт йўли ҳақида гапирир экан шундай жумлалар билан сўзини якунлади: “Отам билан фахрланаман. Қиндиқ қони тўкилган тупрок, она Ватнга бўлган меҳри, эзгуликка бўлган интилиши, имон-эътиқоди, фикрлари ўзига тортади. Қалбим озуқа олади, чарчоқларим, ғам-андуҳларим чекинади. Яшашга, яратишга, эзгу ишлар қилишига иштиёқим ортади”. Мирҳоким ака ўз қаламига мансуб бўлган отаси тўғрисидаги шеър билан сўзини мухтасар қилиди.

Учрашув давомида талабалар ижросида ҳожи бобо қаламига мансуб бўлган шеърлар ўқилди, бобо иштироқидаги от миниб кўпкарида иштироқ этган видеофильм намойинши бўлиб ўтди. Тадбир сўнгидаги ХҚҚ раиси Л.К.Абдуқодирова ТТА маърифат-маънавият бўлими, ректоратномидан кекса отахонга ўз миннатдорчилигини билдириб уларга тинчлик, соғлик-саломатлик тилади. Фахрийларга гул ва эсдалик совғаларини тақдим этди.

100 ёш билан юзлашаётган Мирсовирҳожи ота Пўлатов билан ўтказилган учрашув таддibiри ана шундай сермазмун, ёшларга ибрат мактаби бўладиган даражада қизиқарли ўтди.

**Л.АБДУҚОДИРОВА,  
ТТА ХҚҚ раиси  
Қ.НИЗОМОВ,**  
“Тиббиётнома” махсус мухбiri



Сен “Яхши” деган номдан иморат тикилашига урин, то одамлар бу иморат деворига номингни “Яхши” деб ёзиб қўйишсин.



Хикмат

**Ш.А.БОЙМУРАДОВ,  
Тошкент Тиббиёт академияси  
илимий ишлар проректори, профессор**

Жадал ривожланиши даврида замонавий ахборот технологияларини эгаллаш, чет тилларини жадал ўзлашириш, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш даер талабидир. Ҳозирги глобаллашув даврида янги маълумотларни ўзлашириш, тиббиёт ва педагогиканинг жадал ривожланиши турли мамлакатларнинг олимларини ўзаро ҳамкорликдаги ишларни амалга ошириши тақозо этади. Бундай таъсирларни билимлар ва тажрибаларнинг бойитилишида кузатши мумкин, ҳозирги кунда бундай алоқаларни амалга ошириши воситаси – бу чет тили, айниқса инглиз тили ҳисобланади. Инглиз тилини ўрганиши ҳозирги кунда глобал ҳарактерга эга ва у дунёнинг турли мамлакатларнда ўз аксими топган, шунингдек Ўзбекистонда ҳам инглиз тилининг чуқур ўрганилиши ҳалқаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қиласди.

Тиббиёт ходимлари ва педагоглар учун инглиз тили ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш кадрларни шакланишида катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарорида ўсиб келаётган ёш авлодларни чет тилларига, айниқса инглиз тилига ўргатиш, замонавий педагогик ва информацион-коммуникацион технологияларни қўллаш билан шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш ва бунинг асосида

дунёдаги информацион ресурсларга ва замонавий цивилизацияга кенг йўл очиш, ҳалқаро алоқаларни ва муносабатларни ривожлантириш таъкидлаб кўйилган.

Ушбу қарорнинг ижросида таъминлаш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламдаги ишлар жадал амалга оширилмоқда, шунингдек чет элдаги мутахассисларни билан ҳамкорликни ушбу фикрларимизни далилиди. Тошкент Тиббиёт академиясида сўнгиги йилларда бир канча ишлар амалга оширилмоқда, яъни бир неча соҳа мутахассислари биргаликдаги интеграл маъруzelарни ташкил қилиш, чет элдан таклиф қилинган мутахассисларни жалб қилинг ҳолда мастер класслар, маъруза ва семинарларни ташкил қилиш оdat тусиға кириб қолган.

Хабаринги борки, 2015 йил июнь ойидаги Корея Республикаси бир гурӯх олимла-


ри Тошкент Тиббиёт академияси (TTA) га ташриф буюриб, Корея университети билан ҳалқаро ҳамкорлик шартномаси, органлар (буйрак, жигар, ошқозон ости беzi) кўчириб ўтказилади. Ушбу меморандум асосида 23-26 сентябрь кунлари профессор Дук Йонг Хан асистенти Кен Ан билан биргалиқда ташриф буюди. Ташриф давомида ТТАнинг ёш олимлари, талабалари, педагоглари ва иммий ходимлари учун мастер класс – маъруza ўқиди. Маърузанинг мавзуси “Трансплантологиянинг ривожланиши тарихи, унинг келажакдаги истиқболлари” деб номланган бўлиб, у трансплантологиянинг барча муаммоларини ўзиди мухассамлаган амалий маърузани амалга ошириди. Маъруза 360 дан ортиқ тингловчилар ташриф буюриди, 90 дақиқа давом этган маъруза кўплаб саволларга жавоб олиш, инглиз тилидаги эркин муҳокамаларга бой бўлган чиқишилар билан якунланди. Маъруза давомида профессор бир йил давомида минга яқин жигар ва ошқозон ости беzi, 3 минга яқин буйрак аъзоларини кўчириб ўтказиш тажрибалари ҳақида илимий маълумотларни берди. Бу соҳага бўлган қизиқишининг боиси шуки, бундай операцияга мухтож бўлган беморлар сони бутун дунёда ортиб бормоқда. Таъсир давомида профессор Д.Й. Хан Ўзбекистон Республикаси соғликини саклаш вазири, профессор А.В. Алимов билан учрашди, учрашув давомида мамлакатимизда бу соҳани ривожланиши таъсирларни ҳақида сухбат бўлиб ўтди. Кореяning бундай нуфузли ташкилоти билан Тошкент Тиббиёт академияси ўтасида узоқ ҳамкорлик алоқалари режаланди. Шу йилнинг 27-29 ноябрь кунлари трансплантология, кардиология, пульмонология соҳаси мутахассислари ташриф буюриб маърузалар ташкил қилинади. 2016 йилнинг январь ойида эса лапоросклик жарроҳлик бўйича жарроҳлар ва акушер гинекологлар ташриф буюриб, биргалиқда операцияларни амалга оширишиди. Февраль ойида эса педиатрия соҳаси, март ойида пластик жарроҳлик, травматология ва ортопедия соҳаси мутахассислари ташрифи режалаштирилди. Ушбу ҳамкорлик ташрифи доирасида ёш олимларни малака ошириш учун Кореяning нуфузли тибий мусассаларига жўнатиш, уларнинг шифокорларининг ТТАга ташрифи режалаштирилди.

## ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Хикмат

Яхши деган ном буюк иморатлардан ҳам баландроқдир.



Хикмат

Дунёда шундай касблар борки, у ўзининг олижаноблиги билан барча касблардан ажралиб туради. Бу шифокорлик касбидир. Шифокорлик касби энг шарафли ва эътиборли, лекин қийин ва машқатлидир. Шифокорлик касби — инсонпарварлик ва баҳт-саодатнинг буюк намуналарини ўзида мұхассамлаштырган фидокорона ва холис меҳнатдан иборат. Факат яхши одамгина яхши шифокор бўла олади, деган эди поля шифокори Бегански. Ҳақиқатдан ҳам шифокор учун барча одамий сифатлар: қатъийлик ва мулоҳазалик, вазминлик ва ҳамдардлик, улугворлик ва оддийлик хосdir.

Ўтқир ва шафқатли табиб Ислорга ўхшайди деган эди шеъриятимиз сultontoni Алишер Навоий. Иsonинг иши жонни дуо билан танга киритиш бўлса, шифокорнинг иши эса тандан чикмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармаслиқdir. Бундай шифокорнинг юзи хасталар кўнглида севмилидир, сўзи эса беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар нафаси беморларга даво, ҳар қадами эса хасталарга шифодir.

Бизнинг мустақил диёримизда шифокорлик касби улуғланади. Соғлини саклаб тизимиға катта эътибор қаратилган. Президентимиз Қарорларига кўра ҳар йили ноябрь ойининг иккичи якшанба куни — шифокорларнинг касб байрами деб эълон қилинган.

Ушбу байрамни нишонлаш ва яхши ўтказиш мақсадида қатор тадбир ва учрашувлар уюштирилди, жумладан тиббий профилактика факултети декани ҳамда хотин-қизлар қўмитаси томонидан

## КАСБИМ — ФАХРИМ

“Касбим—фаҳрим” мавзусида давра сухбати ўтказилди. Давра сухбатига меҳнат фахрийлари, ўз касбнинг жонкуярлари таклиф этилди. Улар бўлажак шифокорларга танлаган касбларининг накадар улуғлиги ва масъулияти ҳақида гапирдилар. Касални даволагандан кўра унинг олдини олиши накадар мухимлигини уқтиридилар. Ташриф буюрган меҳмонлар талабаларга қарата шундай дедилар: Хаста одамнинг руҳиятини тушуниш, уни ҳар томонлама текшириш, касаллигини аниқлаш, унга тўғри даво мулаҗаларини тавсия қилиш бўлажак шифокордан тиб илмини чукур ўрганишини, билимдонлики талаб қилиди, шундай экан, агар яхши шифокор бўлишини хоҳласангиз ҳозирданоқ яхши билим олинг, яхши ўнинг танлаган касбингизнинг фидойиси бўлинг.

Касб байрамининг тантаналини нишонланishi 6 ноябрь куни рус академик театрида бўлиб ўтди. Тантаналийиғилиши ониб берган ректоримиз академик Ш.И.Каримов йигилганларни, профессор-ўқитувчиларни касб байрамлари билан табриклаб, тиббиёт илмини бойитган ва дунёга танитган шифокор олимларимиздан Муқаддам Ашрапова, Эргаш Отаконов, Комилжон Зуфаров каби шифокорларнинг муборак номларини эслаб ўтдилар. Йигилиш давомида қатор профессор-ўқитувчиларга қимматбахо совғалар, фаҳрий ёрлиқ ва мукофотлар топширилди. Кечанинг иккичи кисмida эса театр коллективи ихросида спектакль намойиши бўлиб ўтди.

Лола АБДУҚОДИРОВА,  
ТТА ХҚҚ БТ раиси

## “ҲАМ ШИФОКОР, ҲАМ ФИДОКОР – ҲАРБИЙ ШИФОКОР”

Истиқол қадаган уруғлар ниш уриб кўкармоқда. Жамиятимиз тараққиётини белгилаб берган “Ўзбек модели”нинг нишоналарни ҳақида соатлаб эмас, балки кунлаб гапирсангиз ҳам тугатга олмайсиз. Барча соҳалардаги ислоҳотлар “Ўзбек модели”нинг маҳсул десак, адашмаймиз. Шу жумладан, ҳарбий тиббиёт соҳаси тизимидағи туб ислоҳотлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 сентябрь кунидаги Қонуни билан ноябрь ойининг иккичи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни деб белгиланган. Мустақиллик шарофат билан юртимизда байрамлар қаторига қўшилган бу кутлуг санани бу йил ўнинчи марта нишонламоқдамиз.

Шарафли касб әгалари бўлмиш — ҳарбий шифокорларимиз тиббиёт соҳасига нафакат сасалларни даволовчи омил сифатида, балки беморликнинг олдини олувчи восита сифатида қараб, юрт посбонлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлигини саклашдек эзгу ишда жонкуярлик билан Ўзбекистонда олиб бораётган “Соғлом она — соғлом бола”, “Соғлом авлод — юрт келажаги” деган сиёсатини қўллаб-куватлаб, ўз вазифаларини юксак масъулият билан адо этишмоқда. Чунки Ватан посбонларининг жанговар шайлигига ҳам саломатлик асосий ўринда туради.

Исон ҳаёти саломатлигининг тикланиши ва мустаҳкам бўлишида биринчи маслаҳатчи, ёрдамчи бўлган, шарафли

бурчни бажариш ўйлида куну тун бедор, жонкуяр ҳарбий шифокорларимиз халқимиз ишончини оқлаб, элу юрт ардоғига, эъзозига сазовор бўлмоқдалар. Бу заҳматкаш инсонлар бундай эътироға лойик инсонлар, уларнинг меҳнатига ҳар қанча таҳсиллар айтсак арзиди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети ташкил этилиши армиямиз ҳаётига мухим ўзарашлар олиб кирганлиги, бу олий ҳарбий тиббиёт таълим ўқув мусасасида ўз касбнинг билимдонлари буғуни кунда Ватан ҳимоячиларининг саломатлигини сақлашдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб, Қуролли Кучлар сафига етук ҳарбий тиббиёт кадрлар тайёрлашда катта маҳорат кўрсатадиганларни алоҳида таъкидланганлигини айтиб ўтди.


Тадбир давомида тиббиёт соҳасининг вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиб, сидқидилдан хизмат қилётган ҳарбий врачлар, ҳамширалар ва бир қатор тиббиёт ходимларининг меҳнати мусносиб тақдирланди, Фаҳрий ёрлиқлар, эсадлик совғалари топширилди. Ушбу касб айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказиладиган – “Энг илғор кўшин шифокори”, “Энг илғор фельдшер”, “Энг илғор ҳамшира” кўрик-танловининг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими байрамга янада ўзгача файз багишлади.

Д.СОБИРОВ,  
Тошкент Тиббиёт академияси  
хузуридаги  
ҳарбий-тиббиёт факультети  
бошлиги

Канча-қанча одамлар дунёда ўқлиқ сари кетишди, катта-катта бинолар қуриб, айвонига номларини битиб қўшиши, уларнинг тани тупроқка айланди, аммо яхши деган номи ҳамон ўлмай яшамоқда.



Ҳикмат



Максат: мусулмонларни  
чаркарни ҳуммат орқали ўз килиш, ўзлари  
яшайдиган жойдан башка срии куфр деб  
хисорат қилишадига келадигига таҳдид “мав-  
зусида фидойиси бўлинг”.

Динини никоб қилиб олиб, ҳар хил кўпорувчилик, бузғунчи ғоялар қилаётган оқимлар ҳақида. Улар ҳозирги кунда кўлига курол кўтариб эмас, балки одамларнинг онгини заҳарлаш орқали кириб олиши итилишмоқда. Улар инсоннинг онгинга асосан интернет тармоги орқали кириб боришга ҳаракат қилишмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, глобал тармокда 7000 дан ортиқ диний-экстремистик сайтлар мавжуд экан.

Дунёда бўлаётган ҳунарезликлар, дин никоби остида турили гурухларнинг ҳужуми авж олайтган бир пайтда, биз огоҳ бўлишишимиз, ўзимизнинг юртимизга садоқатли бўлишишимиз ва турили салбий иллатлар бизга таъсири этишига йўл кўймаслигимиз даркор, — дея ўз фикрларини баён этди. Кейинги сўз навбати Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мъсул ходими С.Шерхоновга берилди.

— Бўлаётган ҳар хил ҳунарезликлар, кўпорувчилик, бузғунчи ғояларни ҳар куни радио, телевидение орқали огоҳликлардан барчамиз хабардормиз. Айниқса, Яқин Шарқ, Ирек ва Сурияда бўлаётган нотинчилклар бутун дунёни ларзага солиб келмоқда. Ўзларини Ирек ва Шом ислом мамлакати деб номлаб олгани, айниқса ИШИД номи билан юзага чиққани диққатга сазовордир. Уларни истом раҳнамолари эмас, балки Ирек ва Шом давлатидаги ислом душманлари деб номласак тўғри бўлади. Биз хозир дунёвий даврда яшамоқдамиз. Қайси бир давлат бўлишидан қатъий назар, хусусан Ўзбекистонда ҳам

дин эркинлиги, виждан эркинлиги асосий қонунимиз Конституцияда белгилаб кўйилган. Аммо дин душманлари ўзларининг гаразлиларни амалга ошириш учун «хикрат», «қиҳод», «шаҳидлик», «халифалик»ни тарғиб қилишаётганни энг оғир ҳолатидир.

Ушбу фикрларимизнинг исботи сифатида эътиборингизга қуйидаги слайдларни амалга ошириш учун «хикрат», «қиҳод», «шаҳидлик»ни тарғиб қилишаётганни намойиш этмоқдамиз. Маърузачи слайдлар орқали диний экстремизм ва терроризмнинг мудхиш кўринишларини асосли фикрлар билан йигилганларга кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари ИШИД, ШИЯ йўналишдаги мусулмон аёл-қизларни асирга олиш, зўрлаш, қўзлиб сотиш мумкин деб фибраилганлигини таъкидлаб ўз фикрини якунлади.

Кейинги сўзни Рус праваслов черкови Тошкент семинария доценти О.Шковородюқга берилди. Маърузачи ҳақиқий дин бўйича аниқ фикрлар билдириди. Динни никоб қилиб қилаётганлар оқибатида бизнинг ҳам жамиятимизга салбий таъсири кўрсатиши мумкинлигини ва виждан эркинлиги таъминлаб кўйилганлигини айтиб ўтди. Ундан сўнг талабалар ўзларини қизиқтирган саволларини бериб керакли жавобларни оғидлар.

Тадбир сўнгидаги “XXI аср фитнаси” номли видеофильм на мойиш этилди.

Нодира АБДУРАҲМОНОВА, ОМХ факультетининг Мажнавият ва мърифат ишлари бўйича декан мусулмони, Соҳибжон ГОЛИБОВ, Олий маълумотли ҳамшира факультети матбуот йўналиши бўйича “Камолот” сардори

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД

Ҳикмат иморати нуқсонлардан холи бўлиб, тирикликинг офтоби уларни доимо ҳимоя қилиб туради.

